# Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг охири

(Боши биринчи бетда)

Бутун дунёда Вьетнамни қўллаб-қувватлашдан иборат қудратли ҳаракат кенгайиб бормоқда. Америка агрессорларининг босқинчилик ҳаракатларига қарши яхлит кенг антиимпериалистик фронт вужудга келмоқда. Америка агрессорларининг босқинчилик ҳаракатлари тинчлик ва халқаро хавфсизлик иши учун нақадар таҳликали эканлигини тушуниш ҳамма мамлакатларда кучайиб бормоқда.

Бундай вазиятда социалистик давлатларнинг сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлиги, уларнинг жанговар революцион бирдамлиги алоҳида аҳамият касб қилмоқда. КПСС XXIII съездининг махсус баёнотида, совет коммунистларининг нутқларида, қардош партиялар вакилларининг нутқларида курашаётган Вьетнам ишини бирдам бўлиб қувватлашга даъват қилинган қизғин чақириқ съезд минбарида нақадар зўр эҳтирос билан янграганлиги ҳаммангизнинг эсингизда бўлса керак, ўртоқлар. Бугун мана шу чақириқ бу ерда, Чехословакия Компартиясининг съездида янграмоқда. Совет ва Чехословакия коммунистларининг қалби, ер юзидаги барча соф виждонли кишиларнинг қалби курашаётган вьетнамлик қардошларнинг қалби билан ҳамоҳанг бўлиб урмоқда.

Вьетнам ватанпарварларининг шижоати ва мардлигига қойил қолмоқдамиз. Улар ўз озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилаётган халқнинг нақадар зўр кучга эга эканлигини империалист агрессорларни ўз таналарида синаб кўришга мажбур қилмоқдалар. Вьетнам халқининг муқаддас курашига ёрдам бериб келдик ва бундан буён ҳам ёрдам бераверамиз. Агрессорлар СССР, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатлар халқларининг, ер юзидаги барча прогрессив кишиларнинг Вьетнамга тобора кўпроқ бераётган мададига дуч келаверадилар. Қаҳрамон Вьетнам халқи бутун дунёдаги кенг халқ оммасининг бирдамлигига ва социалистик мамлакатларнинг таъсирчан мададига таяниб, ўз ҳаққоний ишининг ғалабасига эришади.

АҚШнинг Куба еридаги ҳарбий базаси бўлган Гуантанамо районида Америка ҳарбийларининг иғвогарлик билан қилган ҳаракатлари империализмнинг агрессивлигини кўрсатувчи янги далилдир.

Бу иғвогарликлар бутун дунёда норозилик ва ғазаб тўлқинини қўзғатмоқда. Бу иғвогарликлар жуда жиддий оқибатлар туғдириши, шу жумладан мана шундай иғвогарликларни бошлаб бераётганлар учун жуда жиддий оқибатлар туғдириши мумкин.

Совет Иттифоқи революцион Кубани, унинг озодлик ва мустақилликка бўлган муқаддас ҳуқуқини қатъий равишда қўллаб-қувватлайди, бунга кубалик қардошларимиз амин бўлишлари мумкин. Бу хусусдаги баёнотларимиз бутун дунёга яхши маълум.

Бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари билан бирга совет халқи Америка империалистларининг уруш ва агрессиянинг янги ўчоғини ёқиш йўлидаги ҳар қандай уринишига кескин равишда қарши чиқмоқда.

Вьетнам халқининг ва бошқа халқларнинг озодлик кураши тажрибаси шу нарсани қайта ва қайта кўрсатиб турибдики, ҳозирги вақтда жаҳон социалистик системаси мамлакатларини жипслаштириш, барча революцион ва озодлик кучларининг империалистик агрессияга қарши, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашидаги мана шу таянч базасини, мана шу қалъа мамлакатларини жипслаштириш, бутун жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш ҳар бир марксчи-ленинчи партиянинг олий интернационал бурчидир. Хурсанд ва хушнуд бўлиб, шуни қайд қилишимиз керакки, мана шу жуда муҳим масалаларда ҳам Совет Иттифоқи Компартияси билан Чехословакия Компартиясининг позициялари бир-бирига тўла мос бўлиб тушмоқда.

Ўртоқлар!

Бошқа қардош партиялар ва иттифоқдош социалистик мамлакатлар каби бизларнинг партияларимиз ва давлатларимиз ҳам Европадаги вазиятга тинмай диққат ва эътибор бериб келмоқдалар. Маълумки, Европада жиддий уруш хавфи мавжуд. Германия Федератив Республикаси ҳукмрон доираларининг АҚШ империалистлари қўллаб-қувватлаётган реваншчилик сиёсати Европа қитъасида яшаб турган юз миллионлаб одамларнинг иродаси ва ҳаётий манфаатларига тобора ошкора равишда зид бўлиб қолмоқда. Бу сиёсат мустаҳкам тинчликдан манфаатдор бўлган Шарқий ва Ғарбий Европадаги ўнлаб давлатларнинг манфаатларига зид бўлиб қолмоқда. Лекин, ўртоқлар, ҳозирги мавжуд ҳарбий техника шароитида Европа ёнғин чиқиш хавфи остида қолган шундай бир тор уй бўлиб турибдики, бу уйда истиқомат қилувчилар ҳеч кимнинг бу уй ичида уруш олови билан ўйнашишига йўл қўймасликлари керак. Европа мамлакатларининг кенг халқ оммаси бу оддий ҳақиқатни тобора равшанроқ тушунмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда Европа хавфсизлигини таъминлаш вазифасини алоҳида куч билан биринчи ўринга қўймоқда. Бу вазифа Европадаги барча давлатларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаши асосида бемалол ҳал қилиниши мумкинлигига қатъий аминмиз.

Ғарбий Германия реваншчи доираларининг иккинчи жаҳон урушининг якунларини ўзгартиришга қаратилган, аммо ҳеч бир натижа бермайдиган умидлари тарих архивига топширилмаса, ўз олдиларига қўйган мақсадлари Европа халқларининг ҳаётий манфаатларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ташқи кучларнинг Европа ишларига ҳар доим аралаша бериши йўқ қилинмаса, у ҳолда — муайян қилиб айтиш мумкинки — ярмиси бақувват ва изчил тинчликсевар социалистик давлатлардан иборат бўлган ҳозирги Европада уруш хавфи масаласи кун тартибида қолаверади.

Маълумки, социалистик мамлакатлар — Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша, Германия Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатлар Европада тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган бир талай таклифлар киритдилар. Агар Ғарбдаги давлат арбоблари ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилсалар ва Европада тинчлик ўрнатилишига ҳақиқатан жон куйдирсалар, мана шу таклифларнинг ҳаммаси уларнинг жиддий муҳокама қилишлари учун кенг ва ғоят конкрет программа бўлур эди.

Европадаги бошқа баъзи давлатларнинг ҳам Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига доир, шу жумладан ҳужум қилмаслик тўғрисида битимлар тузиш ёки тегишли декларациялар айирбошлаш йўли билан ана шу хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига доир ўз мулоҳазалари борлигини ҳам биламиз. Биз ҳам мана шундай мавжуд таклифларни жуда диққат ва эътибор бериб, астойдил муҳокама қилишга ҳамиша тайёрмиз, бу тўғрида КПСС XXIII съездида жуда равшан қилиб айтиб ўтилди. Хуллас, ана бундай ишларнинг ҳаммасига тайёрмиз.

Яқинда Германия Федератив Республикаси ҳукумати Европа проблемаларини бартараф қилиш плани деб аталган ҳужжатни эълон қилди ва уни жуда кўп мақтади. Бунда гап шу йил март ойининг охирида Бонннинг кўп мамлакатларнинг ҳукуматларига, шу жумладан Чехословакия ва Совет Иттифоқи ҳукуматларига ҳам юборган нотаси устида бормоқда. Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша ва бошқа социалистик давлатларнинг шу нотага берган жавобларида унга батафсил баҳо бериб ўтилди. Бу ерда мен бир нарсани уқтириб ўтмоқчиман.

Германия Федератив Республикасининг тинчлик ўрнатиш нияти бор, деган ваъдалари, унинг тинчликсеварлигини намойиш қилмоқчи бўлган таклифлар ҳақиқатда Бонн ўтказиб келаётган сиёсатга лоақал оз-моз мос бўлиб тушганида эди, чакки бўлмас эди. Аммо, ҳозирча Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари Европадаги мавжуд чегараларни ўзгартиришни талаб қилиб турибдилар; ҳозирча улар «бутун Германиянинг» вакилимиз, деб даъво қилмоқдалар, ўзларини немис меҳнаткашларининг социалистик давлати — Германия Демократик Республикаси — мавжудлигини кўрмасликка солмоқдалар, ҳатто бундай сиёсат йўлидан боришни истамаган мамлакатларга таҳдидлар қилмоқдалар ва бу мамлакатларга нисбатан жазо чоралари кўрамиз, деб дўқ қилмоқдалар, бундесвер учун у ёки бу хил йўл билан ядро қуролн олиш йўлидаги уринишлар ҳозирча тўхтатилгани йўқ. Шундай аҳвол давом этаверар экан, Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг сулҳпарварлик ваъдаларини ҳеч ким жиддий ваъда, деб қабул қила олмайди.

Хатарли реваншизм сиёсатига кескин зарба бериш билан бирга, биз Германия Федератив Республикаси Европа мамлакатларининг Европада хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган тинч ҳамкорлигига қатнашуви керак, деб айтмоқдамиз. Германия Федератив Республикаси сингари давлат ўзининг иқтисодий ресурслари, малакали ишчилар синфи, меҳнатсевар аҳолиси билан бу ишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин эди, деб ҳисоблаб келдик ва ҳисобламоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўладими ёки йўқми, бу нарса кўп жиҳатдан Германия Федератив Республикасининг ўзига боғлиқ. Лекин бир нарса равшан кўриниб турибди. Унинг ташқи сиёсатини белгилаб бераётган кимсалар авантюристик реваншчилик позициясида қолаверишни афзал кўриб, Европада тинчликни бузувчилардан иборат ўз ролларини мустаҳкамлай берсалар, бу нарса Германия Федератив Республикасини тобора кўпроқ яккаланиб қолишгагина олиб келаверади. Умум Европа хавфсизлигининг мустаҳкамланишидан манфаатдор бўлган барча Европа давлатларида табиий хавотирлик туғдира беради. Европа давлатларининг тинч ҳамкорлиги мустаҳкамлана ва кенгая беради, чунки бу ҳамкорлик Европа халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, бу ҳамкорликнинг катта ва тўла равишда реал истиқболлари бор.

Ўртоқлар! Шу нарса яхши маълумки, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатлар давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлиб турадиган ҳарбий блоклари билан Европа ва жаҳоннинг бўлиниб туришига ҳамиша қарши чиқиб келдилар. Мудофаа шартномаси бўлган Варшава шартномасида қатнашувчи барча давлатлар — мана шундай позицияда турибдилар. Биз ҳарбий иттифоқлар ўрнига барча давлатларнинг тинч ҳамкорлиги бўлишига тарафдормиз ва бу ишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз. Лекин биз гўл одамлар эмасмиз, биз реал воқеликни кўриб турибмиз ва халқларимизнинг манфаатларини қўриқламоқдамиз. Америка империализми томонидан агрессив мақсадларда тузилган НАТО ҳарбий блоки давом эта берар экан, бу блок реваншчилар ва милитаристлар сиёсатига хизмат қила берар экан, биз бундан амалий хулосалар чиқариб олмаслигимиз мумкин эмас. Биз бундан буён ҳам ниҳоят даражада ҳушёр бўлиб тура берамиз ва социалистик давлатларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай берамиз. Шу билан бирга, биз яна шуни айтамизки, бизнинг ҳарбий қувватимиз бирор давлатга ҳужум қилиш мақсадларига хизмат қилмайди, балки халқларимизнинг тинч меҳнатини ҳимоя қилиш мақсадларига хизмат қилади.

Европада ва бутун дунёда тинчлик учун зўр бериб, изчиллик билан, актив кураш олиб боришни КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисобламоқдамиз. Бошқа ҳамма масалаларда бўлгани каби, бу масалада ҳам Совет Иттифоқи коммунистлари билан Чехословакия коммунистлари бир ёқадан бош чиқариб, чин дўстлар каби, маънавий қардошлар ва курашдош ўртоқлар каби қўлни қўлга бериб, олға бормоқдалар.

Азиз дўстлар!

КПСС делегацияси съездингизнинг ишини ниҳоят даражада қизиқиб кузатиб турибди. КПСС шаънига, совет халқи шаънига жуда кўп яхши сўзлар айтилди. Партиямиз ва Совет давлатимизнинг фаолиятига юксак баҳо берганликларингиз ва бу фаолиятни қўллаб-қувватлаётганликларингиз учун сизлардан ғоят миннатдормиз. КПСС вакиллари сидқидил ва самимият билан кутиб олинганликлари бизни бениҳоя хушнуд қилди ва буни биз партияларимиз ва халқларимизни бир бутун қилиб жипслаштирган маҳкам самимий дўстликнинг яна бир кўриниши, деб билмоқдамиз. Сизларни яна бир марта ишонтириб, шуни айтишга ижозат бергайсизки, азиз ўртоқлар, совет кишилари ҳам бу буюк дўстликка ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар. КПСС, совет кишилари ҳамиша сизларнинг ишончли, садоқатли дўстларингиз, иттифоқчиларингиз, қардошларингиз эканлигига амин бўлаверинглар.

Сўзимнинг охирида қаттиқ ишонч билдириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Чехословакия Коммунистик партиясининг XIII съезди партиянгиз тарихида, мамлакатингиз ҳаётида, халқ хўжалигини, фан ва маданиятни янада юксалтириш, социалистик муносабатларни такомиллаштириш ишида муҳим воқеа бўлиб қолади. Съезд қарорларининг амалга оширилиши жаҳон социалистик системасини ривожлантиришга, унинг халқаро майдондаги позициясини мустаҳкамлашга янги катта ҳисса бўлиб қўшилади, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштириш ишига хизмат қилади.

Социалистик жамиятни янада ривожлантириш йўлидаги катта ишда сизларга яна бир марта муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин шонли Чехословакия Коммунистик партияси!

Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасидаги, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чехословакия Коммунистик партияси ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстлик ривожланаверсин ва тағин ҳам кўп қиррали дўстлик бўлиб қолаверсин!

Барча халқлар тинчлиги, озодлиги ва бахт-саодатининг энг мустаҳкам таянчи бўлган жаҳон социалистик системаси мустаҳкамлана ва равнақ топаверсин!

Бутун дунё коммунистлари буюк армиясининг сафлари тағин ҳам маҳкам жипслашаверсин!

Яшасин коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Чехословакия Коммунистик партияси XIII съездига табригини топширишга ижозат бергайсиз!

* * *

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг делегациямиз сизларга КПСС Марказий Комитетининг эсдалик туҳфасини — улуғ Ленининг машҳур совет ҳайкалтароши Томский ишлаган бюстини олиб келди. Бу туҳфа партияларимиз ленинизм идеяларига содиқлигининг, буюк ишимиз — коммунизм учун курашдаги бирлигимиз ва дўстлигимизнинг рамзи бўлиб қолсин. **(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди).**

# МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

12 ИЮНЬ • СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

МОСКВА. 31 май. (ТАСС). Бугун СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида матбуот конференцияси бўлди. Марказий сайлов комиссиясининг раиси В. В. Гришин еттинчи чақириқ СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида ахборот берди.

— Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари, — деди В. В. Гришин, СССР Олий Совети сайловини халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга мурожаатининг илҳомбахш сўзлари корхоналарда ва муассасаларда, аҳоли ўртасида қизғин маъқулланди. Бу мурожаатда партиямизнинг СССР Олий Совети сайловига асос қилиб олган программаси баён қилинган. Бу программа меҳнаткашларнинг манфаатларига тўла жавоб беради ва барча совет кишилари уни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Сайлов кампанияси ҳозир энг масъулиятли даврга кирди—сайлов куни яқинлашиб қолди. Шу пайтгача кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилди. Сайлов тўғрисидаги Низомда белгиланган муддатларда округ сайлов комиссиялари (1517 комиссия) ва участка сайлов комиссиялари (161.357 комиссия) тузилди. Сайлов тўғрисида маълумот берувчи китоблар нашр этилди. Сайлов участкаларини жиҳозлаш ва участка комиссияларини сайловга доир зарур ҳужжатлар билан таъминлаш соҳасида кўп иш қилинди. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ҳамма жойда сайловчиларнинг рўйхатларини тузиб бўлдилар ва бу рўйхатлар ҳамманинг хабардор бўлиши учун 12 майдан бошлаб тақдим этилди. Ҳозирги вақтда бу рўйхатлар текширилиб, аниқлаб чиқилмоқда.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш ишлари СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга тамомила мувофиқ суратда олиб борилди. Неча ўн минглаб меҳнаткашлар корхона, колхоз, муассасалар коллективларининг ва ҳарбий қисмларнинг умумий йиғилишларида сўзга чиқдилар ҳамда кўрсатилган номзодларни муҳокама қилишда қатнашдилар.

Кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш, меҳнаткашлар вакилларининг округ сайлов олди кенгашларида давом эттирилди. Меҳнаткашларнинг вакиллари сайловчиларга мурожаат қилиб, кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирдилар. Ҳозирги вақтда сайловчилар СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашмоқдалар. Бу учрашувлар совет халқининг бирлигини, коммунистлар билан партиясизлар блокининг мустаҳкамлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди.

Сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Совет Иттифоқининг бутун территориясида СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга қатъий риоя қилинишини кузатиб турибди. Марказий сайлов комиссияси республика, округ ва участка комиссияларининг ишига ёрдам бермоқда.

Марказий сайлов комиссияси барча округ ва участка сайлов комиссияларини телефон ҳамда телеграф алоқаси билан таъминлаш масалаларини қараб чиқди. Бу ишда камчиликлар бор. Участка комиссиялари ҳамма жойда ҳам алоқа воситаларига эга деб бўлмайди. Биз сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида узлуксиз алоқани таъминлаш зарурлигига СССР Алоқа министрлигининг эътиборини жалб этдик.

Эндиликда, деб таъкидлади В. В. Гришин, поездларда, денгиз ва дарё кемаларида, илмий экспедицияларда, геология ва қидирув партияларида, Арктика ва Антарктикадаги қутб станцияларида сайловни ўтказишга доир амалий масалаларнинг ҳаммаси ҳал этилди. Узоқ сафарга чиқадиган 544 поезднинг пассажирлари йўлда овоз берадилар. Сайлов участкалари 93 аэропортда, кўпгина темир йўл станцияларида, дарё ва денгиз портларида, сайлов куни сузиб юрадиган денгиз, дарё флоти ва балиқ овлаш флоти кемаларида, шунингдек қутб станцияларида ва қишлов жойларида ташкил этилади. Йўлга чиққан ва турли экспедицияларда қатнашадиган совет гражданларининг сайловда қатнашуви учун имконият яратиб беришда зарур чоралар кўрилди.

Бу йилги сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу сайлов ёз фаслида ўтказилади. Сайловчиларнинг кўпи отпускага чиқиб, курорт, санаторий, дачаларга жўнайдилар, сафарда бўладилар. Меҳнаткашлар дам олиш куни шаҳар ташқарисига чиқадилар, туристик походларда қатнашадилар. Ёз фаслида геология, разведка, қидирув партиялари, илмий экспедициялар шохобчалари кенгайтирилади. Сайлов куни овоз бериш шу вақтгача бўлгани каби кечаси соат 12 да эмас, балки кечқурун соат 10 да тамомланади.

Жойларда сайловга тайёргарликнинг бориши билан танишиб чиқиш шуни кўрсатдики, баъзи маҳаллий органлар ва сайлов комиссиялари ўтган сайловларнинг тажрибасига умид боғлаб, ана шу хусусиятларни тўла ҳисобга олмаётирлар. Овоз бериш тартиби, вақти ва жойи тўғрисида сайловчилар етарли даражада хабардор қилинмаётир. Айрим сайловчилар овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани олмай, отпускага, командировкага жўнаб кетаётганликларини кўрсатадиган фактлар бор.

СССРдаги барча гражданларга ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини бериш, — деб таъкидлади В. В. Гришин, — барча сайлов комиссияларининг вазифасидир. Шу сабабли, сайловчиларнинг рўйхатларини синчиклаб текшириш жуда муҳимдир, мазкур совет территориясида яшовчи сайловчиларнинг ҳар бири рўйхатга киритилсин, дам олиш ёки командировкага жўнаб кетадиган кишилар овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни меҳнаткашлар депутатлари Советларидан олишлари керак.

Меҳнаткашларнинг дам оладиган жойларида, Қрим, Кавказ, Болтиқ бўйи республикаларининг курорт зоналарида, йирик шаҳарларнинг атрофидаги районларда жойлашган участка сайлов комиссиялари ана шу даврда ўз территорияларида бўлган барча сайловчиларнинг овоз беришда қатнашиш имкониятини таъминлаш учун тегишли чораларни кўришлари лозим. Бунинг учун сайлов бюллетенларини ва гувоҳномалар билан овоз берадиган сайловчилар рўйхатлари бланкаларининг етарли миқдорда резервини вужудга келтириш керак.

Барча сайлов комиссиялари, активлар овоз бериш жойи ва вақти тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишлари лозим. Ҳар бир сайловчи қаерда овоз беражагини яхши билиши керак. Овоз беришнинг бошланиш вақти (эрталаб соат 6) ва овоз беришни тамомлаш вақти (12 июнь кеч соат 10) тўғрисида ҳам сайловчиларга сўзлаб бериш керак. Сайловчилар асосий турар жойидан бошқа жойга кетганларида (отпуска, командировка ва ҳоказо) овоз бериш тўғрисидаги гувоҳномани меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советидан албатта олишлари кераклигини уларга яхши тушунтириб бериш зарур.

Марказий сайлов комиссияси, — деди сўзининг охирида В. В. Гришин, —барча сайловчиларни СССР Олий Советига сайлов куни сайлов участкаларига келиб, ўзларининг гражданлик бурчини бажаришга — Совет Иттифоқи давлат ҳокимиятининг олий органи сайловига қатнашишга даъват этади.

В. В. Гришин мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сайловчи овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани олмай бошқа жойга жўнаб кетганида нима қилиш керак? Ўртоқ Гришин мазкур сайловчи янги турар жойидаги ижроия комитетга мурожаат қилиб, ўзини сайловчилар рўйхатига киритишни илтимос қила олади, деб тушунтирди.

Овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани почта орқали юбориш мумкинми? Одатда бу гувоҳнома сайловчининг ўз қўлига берилади. Сайловчи гувоҳномани ололмаган айрим ҳолларда бу гувоҳномани унинг илтимосига кўра почта орқали юбориш мумкин.

Мамлакатнинг узоқ ва етиб бориш қийин бўлган районларида сайловчилар овоз беришда қандай қатнашадилар? СССР Олий Советининг Президиуми шу йил 23 майда шу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Қарорда айтиладики, участка сайлов комиссиялари сайлов куни илмий экспедициялар, геология ва қидирув партиялари ва ҳоказоларнинг составида бўладиган сайловчилар айрим группалари борган жойларда истисно тариқасида бюллетенларни қабул қилиб олишни ташкил эта оладилар. Бунда алоқа йўлларининг шароитларига қараб, уларнинг сайлов участкаларига келолмасликлари эътиборга олинади. Бюллетенларни сайловчиларга етказиб бериш иложи бўлмаган тақдирда, уларни ҳар бир жойнинг ўзида белгиланган формада тайёрлаш керак.

# ҲАММА ЗАРБДОР ФРОНТГА—ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА!

(Боши 1-бетда).

Шунга қарамай бизнинг ишимизда жиддий камчиликлар бор. Бир қанча хўжаликларда меҳнатнинг ташкил этилиши пахтачиликда рўй берган вазиятга мос бўлиб тушмаётир. Экинларни парвариш қилиш ишлари жуда ҳам кейинда қоляпти. Биринчи культивация ва яганалаш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзилиб кетди. Кўпгина хўжаликларда анчагина ерлардаги экин бегона ўтлардан тозаланмаган, вегетация даврида мослаштирилиб суғорилмаган.

Бу йил далаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг заракунандалари хусусан, шира, ўргамчик кана, кўккурт кўпайиб кетди. Бу эса ҳосилга жиддий зарар етказади. Ҳар бир хўжаликда зарарланган далаларнинг ҳаммасига қисқа вақт ичида ишлов бериш, заҳарли химикатлардан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларини батамом қириб ташлашга эришиш, уларнинг қайтадан тарқалишига имкон бермаслик керак.

Шу кунги вазифа экинларни парвариш қилишда йўл қўйилган хатоларни дарҳол аниқлаш ва тездан бартараф қилишдан иборат. Бу камчиликларни тугатишда, мўл ҳосил учун курашда социалистик мусобақа ва ўзаро текшириш жуда катта роль ўйнамоғи керак. Ўзаро мусобақалашаётган коллективларнинг далаларини бир-бирларига бориб кўриш, кенг тажриба айирбошлаш, мусобақадош дўстларга ўзаро ёрдам бериш пахтакорларимизнинг энг яхши традицияси бўлиб қолди. Бу традицияни ҳар томонлама кенг авж олдириш керак.

Июнь — экинларнинг ривожланишидаги қолоқликка барҳам бериш билан бирга ишларни тубдан яхшилашда зарбдор ойдир. Июль эса мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканлиги ҳаммага маълум. Биз ўзимизнинг Хоразм областимизда июнь ва июль ойларини зарбдор меҳнат ойлари деб эълон қилдик. Ана шу икки ой ичида пахта далаларида фидокорона меҳнат билан қўшадиган ҳиссамиз кузда мўл ҳосил кўтаришнинг гарови бўлади.

Июнь ойида экинларни икки марта комплекс парвариш қиламиз. Ҳосилнинг тез етилишини жадаллаштириш учун ўсимликларни минерал ўғитлар билан озиқлантирамиз. 10—15 июнгача эса азот ўғити солишни тамомлаймиз. Минерал ўғитлар билан бирга ҳар гектар экинга 10 тоннага етказиб чиринди соламиз. Ғўзани ўсиш даврида ўз вақтида суғорамиз. Ғўзанинг 25 июнгача бир текисда гуллашига эришамиз.

Ғўзанинг ҳар бир тупини авайлаб парвариш қилишга, уни яхши озиқланиб, бақувват ўсишига эришишга ваъда берамиз.

Азиз ўртоқлар!

Ғўзани парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг ҳаммасини тўла амалга ошириш учун ҳар биримиз пахта фронтида бўлиб, экинларни парвариш қилишда бевосита иштирок қилишга эришайлик. Партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг энг муҳим вазифаси ва бурчи қишлоқ меҳнаткашларининг самарали меҳнат қилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат.

Республикамизда қизғин иш кунлари авж олиб кетди. Ана шу кунларда юксак ғайрат ташаббус ва уюшқоқлик, мардлик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсата билган пахтакоргина шон-шуҳрат қозонади. Ҳар биримизнинг қалбимиз мўл ҳосил олишга эришиш истаги билан куйиб-пишган тақдирдагина, ҳаммамиз барча ресурсларни сафарбар этиб, виждонан меҳнат қилганимиз тақдирдагина пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда шак-шубҳасиз ғалаба қозонамиз.

Механизатор ўртоқлар!

Ҳосилнинг тақдири сизларнинг маҳоратингизга боғлиқ. Ер хазиналар макони бўлса, унинг олтин калити сизларнинг қўлингиздадир. Чуқур культивация қилиш ва озиқлантириш каби муҳим тадбирларни сифатли қилиб ўтказингиз, ҳар бир туп кўчатни меҳр-муҳаббат билан парвариш қилингиз.

1966 йилни пахта ҳосилини машинада териб олишда намунали йилга айлантирамиз. Район муассасалари, «Узсельхозтехника» бирлашмаларининг ходимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва механизаторлари пахтани машинада териб олишга тайёргарликни ҳозирданоқ кенг авж олдириб юборишлари керак.

Сувчи ўртоқлар!

Сизлар далаларимизнинг муносиб меҳнаткашларидирсизлар. Агротехника тадбирлари комплексида ғўзани суғориш муҳим ўринни эгаллашини, ҳосилдорликни ошириш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини унутмангиз. Сув — ғўзанинг жони ва қони демакдир. Эгатларни чуқур олиб суғорингиз ва сувни бутун участкага бир текисда тарқатингиз. Суғоришнинг прогрессив усулларини қўлланингиз, най усулида суғоришдан кенг фойдаланингиз. Сифатли суғориш ғўзанинг авж олишини тезлаштиради, бу ишда агротехникани бузиш эса ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Суғориш қоидаларига қатъий риоя қилингиз. Ҳар бир туп ғўзанинг яхши ўсиши, ҳар бир тугунча ва гулнинг ўз вақтида эрта етилиши юқори нав пахтанинг барвақт ҳосилга кириш гарови эканлигини эсда тутингиз.

Пахта бизнинг ифтихоримиз, бизнинг бойлигимиздир! Пахта — коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига бизнинг қўшадиган жуда катта ҳиссамиз. Пахта саноат учун энг қимматли, энг зарур хомашёдир. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак, ҳар бир киши бу олийжаноб ишга ўз ҳиссасини қўшмоғи даркор. Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш йўлидан дадил ва комил ишонч билан олға қараб бораётган Хоразм области колхозчилари янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Областда қоракўл тери ва тухум сотиш плани бажарилди, гўшт, сут, жун сотиш юзасидан белгиланган ярим йиллик план СССР Олий Советига сайловлар ўтказиладиган кунгача бажарилади. Пиллачилар эртаги қурт боқиш ҳисобига пилла сотиш давлат планини тез кунлар ичида бажаришади.

Экиш планини сўзсиз бажариш —биз учун мустаҳкам қонун! Барча қишлоқ хўжалик экинларини экишни 5 июнгача тамомлаймиз. Биз экинларни яхши парвариш қилиш ва улардан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юборамиз. Янги ерларни ўзлаштиришга бундан буён ҳам жуда катта эътибор берамиз.

Бу йил Хоразмда шоликорлик янада ривож топди. Областимиз 1966 йилда давлатга қарийб 9 минг тонна шоли сотади.

Озуқабоп экинлардан, беда ва маккажўхоридан мўл ҳосил олиш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Областда силос бостириш ва дағал ҳашак тайёрлашга тайёргарлик ишлари ҳозирданоқ қизитиб юборилди. Чорвадорларимиз мустаҳкам озуқа базаси вужудга келтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга қатъий бел боғлаганлар.

Тез кунларда республика, область ва районлар ўртасидаги мусобақа юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги ўзаро текширишдан ўтказила бошлайди. Ўзаро текширишни уюшқоқлик билан юксак даражада ва ишчанлик вазиятида ўтказиб уларнинг амалий ишга самарали таъсир кўрсатишига эришамиз.

Партиямиз бизни пахтакорлик шарафини янада улуғлашга даъват этмоқда. Бизнинг ҳамма амалий ишларимиз ва қўлга киритадиган муваффақиятларимиз партиямизнинг ана шу даъватига муносиб жавоб бўлсин. Янги беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа байроғини тағин ҳам баланд кўтарайлик!

Ҳамма зарбдор фронтга, ғўза парваришига!

**МУРОЖААТ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА 1966 ЙИЛ 2 ИЮНДА ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.**

# САЙЛОВЧИЛАР ЎЗ НОМЗОДЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚДАЛАР

Ўзбекистонда сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан учрашуви давом этмоқда.

**Тошкент-Октябрь** сайлов округида сайловчилар СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Иван Дмитриевич Сербин билан учрашдилар.

**Тошкент-Киров** сайлов округида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод, СССР ташқи савдо министри Николай Семенович Патоличев сайловчилар билан учрашди.

Янгиқўрғон районида **Чортоқ** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод, Янгиқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси Жўрабой Охунов ўз сайловчилари билан учрашди.

* * *

Ойна заводи клубига тўпланган сайловчилар Чирчиқ электрохимия комбинатининг аппаратчиси, 120-Чирчиқ сайлов округидан миллатлар Советига номзод қилиб кўрсатилган Анна Павловна Косневани самимий кутиб олдилар. Учрашув кечасини Орджоникидзе район ижроия комитетининг раиси ўртоқ О. Қўйшимонов очди.

Шундан сўнг А. П. Косневанинг ҳаёти ҳақида ишончли вакил Чирчиқ электрохимия комбинати партия ташкилотининг секретари ўртоқ Афонинга сўз берилди.

А. П. Коснева ўзининг меҳнат фаолиятини 16 ёшидан бошлаган. У ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги билан катта обрў қозонди. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини муносиб тақдирлаб Ленин ордени ва бир неча медаллар билан мукофотлаган. Анна Коснева 22 йилдан бери комбинатда ишлаб келмоқда. Ҳозир у минерал ўғитлар тайёрлаш цехининг аппаратчиси вазифасини бажариб келмоқда.

Бошқа сўзга чиққан ўртоқлар: «Маданият» колхозининг раиси У. Исломов, «Қизил Ўзбекистон» колхози комсомол ташкилотининг секретари У. Тўхтаназаров, ойна заводи партия ташкилотининг секретари Г. Киселева ўртоқлар ҳам А. П. Коснева номзодини ёқлаб гапирдилар ва унга овоз беришга чақирдилар.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ.

